



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ: СУДДА ТАРАФЛАРНИНГ МУЗОКАРА БОСҚИЧНИНГ ТАРБИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ.

Ш.И.Хамраева

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси*

Аннотация: *мазкур мақола вояга етмаганларнинг жиноят ишлари ҳақида иш юритишда тарафлар музокарасининг тарбиявий жиҳатларига бағишланган.*

Хусусан, унда айблов ва Ҳимоя нутқларининг мазмуни, уларнинг вояга етмаган судланувчига нисбатан тарбиявий таъсир қилиш хусусиятлари таҳлил қилиниб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга илмий асослантирилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: *тарафлар музокараси, айблов нутқи, Ҳимоя нутқи, судда ишларни юритишда тортишув принципи, вояга етмаганга нисбатан тарбиявий таъсир.*

Аннотация: *данная статья посвящена воспитательным аспектам прений сторон по уголовным делам несовершеннолетних.*

В частности, анализируется содержание обвинительных и защитительных речей, характеристика их воспитательного воздействия на несовершеннолетнего подсудимого, вносятся научно обоснованные предложения по нормативно-правовым документам.

Ключевые слова: *прений сторон, обвинительная речь, защитительная речь, принцип состязательность производства в суде, воспитательное воздействие на несовершеннолетнего.*

Annotation: *this article is devoted to the aspects of the dispute between the parties in criminal cases of minors.*

In particular, the content of the accusatory and defensive speeches, the characteristics of their impact on the minor defendant are analyzed, scientifically substantiated proposals are made on legal documents.

Key words: *dispute between the parties, accusatory speech, defensive speech, principle of adversarial proceedings in court, educational impact on a minor.*

Тарафларнинг музокараси - суд муҳокамасининг суд терговидан сўнг мустақил қисми бўлиб, унинг доирасида тарафлар нутқ билан чиқиш орқали дастлабки тергов, суд тергови натижалари ва жараёни тўғрисидаги фикрларини билдирадилар ва ишини мазмунан ҳал қилиш бўйича қарор таклиф



қиладилар²⁷⁹. Суд ушбу босқичида иш юритишнинг тортишув принциплари бошқа босқичларга нисбатан ёрқинроқ намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 449-моддаси 1-қисмига биноан суд терговининг тамомланганлиги эълон қилинганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Одатда музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади. Сўнгра, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисми 1-кичик банди талабига мувофиқ вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда шу жумладан, суд муҳокамасида ҳимоячи иштироки шарт ҳисобланади.

Давлат айбловчиси ҳамда ҳимоячи ўз музокара нутқларида далилларни текшириш, баҳолаш натижалари ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама асослантирилган фикрларини ифода этади.

Бироқ тарафларнинг музокара нутқлари мазмуни қонунчилигимизда белгиланмаган. Шунингдек, миллий ва назарий адабиётларда ҳам кам ўрганилган масалалардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, эса тарафларнинг сўзга чиқиш муносабати билан юзага келувчи муаммолар илмий тадқиқотлар предметига айланган²⁸⁰.

Б.Х.Пулатовнинг фикрича тарафлар музокарасида ҳар қандай ҳолатда қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: 1) объектив ва исботланган; 2) Ҳар томонлама ва тўла; 3) юридик асослантирилган; 4) аниқ белгиланган бўлиши керак²⁸¹.

В.Лазарева ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдириб, айблов нутқининг асосли, объектив, мазмунли бўлиши лозим деб ҳисоблайди²⁸².

Д.Довудова эса, “прокурорнинг музокара нутқи – прокурорнинг суд музокара босқичидаги судланувчини жиноят содир этишда айбдорлигини исботлаш ёки рад этишга қаратилган, асослантирилган, ички ишончига таянган нутқидир²⁸³ деб таъкидлайди.

Р.Шукуров “адвокат айбланувчини ҳимоя қилишдаги нутқида суриштирув, терговгача суриштирув, дастлабки тергов ва суд тергови жараёнларида ишга оид ҳамда айбланувчи аҳволини енгиллаштирувчи барча керакли далилларни

²⁷⁹ См.: Капустянский В.Д. Судебные прения в уголовном судопроизводстве: от истории к современности // Российский судья.- Москва, 2005.-№6.

²⁸⁰ Қаранг: Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар / ўқув-амалий қўлланма. –Т, 2019. – Б 20.

²⁸¹ Пулатов Б.Х. Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах: Дисс. ...д-ра юрид. Наук. -Т., 2002. -С 60.

²⁸² Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / Научно -практическое пособие / - М.: Издательство Юрайт, 2017.- С 152.

²⁸³ Қаранг: Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштирувчи масалалари. / Монография. -Тошкент.: “LESSON PRESS”, 2020. – Б 108.



келтириб, уларнинг аҳамиятлилиги ҳақида суд иштирокчиларини ишонтиришда ўз маҳоратини кўрсата олиши керак²⁸⁴ деган фикрни илгари сурган.

Г.А.Саякбаев суд муҳокамасининг айнан тарафлар музокараси босқичида процесс иштирокчилари ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳар бир тараф ўз процессуал кучини, иш бўйича позициясини асослантиришга йўналтиради деб ҳисоблайди²⁸⁵.

Бироқ, юқорида олимлар томонидан билдирилган фикрларда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида айблов ва ҳимоя нутқларининг алоҳида жиҳатларига, хусусан тарбиявий характерига эътибор қаратилмаганлигини инобатга олиб, улар билан қисман қўшилмаймиз.

Одатга кўра эса давлат айбловчиси ва ҳимоячининг ҳар бири ўзининг процессуал позициясидан келиб чиқиб, судланувчининг айбли ёки айбсизлигини исботловчи далиллар таҳлили ҳамда суд терговининг натижаси ҳақида фикр билдиради. Процесс иштирокчилари музокара нутқида суд мажлисида текширилмаган, суд томонидан номақбул деб топилган далилларга ҳавола қилишга ҳақли эмас (ЖПК 452-модда).

Музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганлиги, бу қилмиш жиноят деб ҳисобланиши ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги, бу қилмишни судланувчи содир этганлиги, судланувчи жиноят содир этилишида айблилиги ва башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда эканлиги, судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борлиги, судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши кераклиги (ЖПК 457-моддаси 1-қисми 1-6 кичик бандлар) ҳақидаги масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкин.

Суд амалиётига кўра, айнан ушбу таклифлар асосида давлат айбловчиси ўз музокара нутқини тайёрлайди ва баён этади.

Давлат айбловчиси ва ҳимоячи бу масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари шарт.

Ҳимоячи сифатида иштирок этаётган адвокат эса одатда, қуйидаги масалалар юзасидан фикрини баён қилади:

- суд терговида текширилган далилларни кўрсатади ва уларга юридик баҳо беради;

²⁸⁴ Шукуров Р.Р. Жиноят ишлари бўйича адвокат ҳимоя нутқининг айрим жиҳатлари ва аҳамияти. // Юрист ахборотномаси // 1 жилд. 5-сон. – Т.: 2020 – Б 87.

²⁸⁵ Г.А.Саякбаев. Прения сторон как итог состязания. Журнал: Товрический научный обозреватель. №11(16).ноябрь.2016. WWW.towr.science.



- иш юритиш давомида йўл қўйилган процессуал ҳаракатларга (агар мавжуд бўлса) нисбатан ҳуқуқий баҳо беради ва уларнинг оқибатларига ўз муносабатларини билдиради;

- судланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги ҳақида ўз хулосаси ва содир қилинган жиноий ҳаракатини малакалаш ҳақида фикр билдиради;

- судланувчининг шахсини тавсифлайди;

- судланувчига нисбатан жазо тайинлаш ёки уни жазодан озод қилиш масаласи бўйича фикр билдиради.

Суд ҳар бир иш якунига кўра, ички ишончига таяниб қарор қабул қилади. Бу эса иш ҳолатларининг ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиниши асосида билдирилган процесс иштирокчиларининг билдирган фикрлари асосида шаклланади. Ҳаттоки, суднинг нотўғри хулосага келишини олдини олади. Тарафлар музокарасининг аҳамиятли жиҳатлари айнан шунда намоён бўлади.

Прокурор нутқи ўз мазмунига кўра, тарбиявий аҳамият касб этиб, унинг асослангилганлиги ҳамда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинганлиги нафақат давлат айбловини қувватлашнинг, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир²⁸⁶. Суд процессида тарафлар музокараси суд мажлисида иштирок этаётган фуқароларга тарбиявий таъсир этишда, уларнинг ишнинг мазмунини, содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ва оқибатларини тушуниб олишида асосий вазифани бажаради.

Бироқ, вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича айблов ва ҳимоя нутқлари суд мажлисида иштирок этаётган катта ёшдаги фуқаролардан кўра кўпроқ судланувчи вояга етмаганга нисбатан тарбиявий таъсир муҳимдир. Бинобарин, ҳуқуқшунос А.Конининг таъбири билан айтганда вояга етмаганлар ўзи ҳақидаги барча маълумотларни чин кўнгилдан эшитади ва уларни қабул қилади²⁸⁷.

Таъкидлаш жоизки, давлат айбловчисининг музокара нутқи жиноят ишларини айниқса, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларини кўришда ҳар доим ижтимоий-сиёсий ва умумахлоқий аҳамият касб этади. Чунки, айблов нутқининг асосий қисмини ишнинг ижтимоий-сиёсий характери (хусусан, судланувчининг шахси, унинг жиноят содир қилишига имкон берган шарт-шароитларнинг таҳлили ва уларни бартараф таклифи) ташкил қилади.

Давлат айбловчиси суд муҳокамасининг натижаларига асосан икки турдаги позиция билан музокарада иштирок этади. Биринчи, давлат айбловчиси агар судланувчининг айбли эканлигига ишончи комил бўлса ва уни судда

²⁸⁶ Қаранг: Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар / ўқув-амалий кўлланма. –Т, 2019. – Б 5,20.

²⁸⁷ См: Голованова М. А., Фетисова М. А. Место последнего слова подсудимого в судебном красноречии// Надежность и качество: тр. Междунар. симпозиума. 2012. № 5. С. 37. <http://vosпитatelnoe-znachenie-rechiz-aschitnika-v-preniyah-storon-po-ugolovnym-delam-v-otnoshenii-nesovershennoletnih.pdf>.



текширилган далиллар билан исботлаб берса, у айблов нутқи билан музокарада иштирок этади. Иккинчи, суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у ЖПКнинг 409-моддасига асосан айбловдан воз кечади.

Музокарада, вояга етмаган судланувчининг содир қилган ижтимоий хавfli қилмишига нисбатан ўзининг айблов фикрини берадига давлат айбловчиси манқий изчил ва судланувчига тушунарли тилда ўз нутқини баён қилиши керак. Чунки, айблов нутқи судланувчига унинг содир қилган қонунга зид ҳаракатларини тўла-тўқис англаб олишига, жиноий қилмишининг ижтимоий хавfliлик даражасини ва оқибатини тушуниб олишига кўмаклашиши керак.

Ҳуқуқшунос олим В.И.Басков давлат айтловчисининг нутқи нафақат судланувчининг содир қилган жиноятини фош қилишнинг балки судланувчининг қайта жиноят содир қилиш профилактикасининг процессуал воситаси деб ҳисоблайди²⁸⁸.

П.С.Пороховщиков ўз асарларида давлат айбловчисининг нутқидан сўнг суд залидаги иштирокчилари ишнинг мазмуни ва қонуний чегарасини англаши кераклиги ҳақида фикр билдиради²⁸⁹.

Шу каби процессуалист З.З.Зинатуллин ҳам айблов нутқининг аниқ, тўлиқ ва равон бўлиши кераклигини таъкидлайди²⁹⁰.

Шу билан бирга, бир қатор ҳуқуқшунослар ишнинг далиллар билан боғлиқ муаммоли қисмида нутқнинг равон, мантиқий давомийлиги бирор аҳамият касб этмаслиги ҳақида фикр билдиради.

Шу ўринда, Д.Довудованинг “прокурор нутқи ўз мазмунига кўра, тарбиявий аҳамият касб этиши” ҳақидаги фикрлари билан тўлиқ қўшиламиз²⁹¹.

Демак, музокарада, вояга етмаган судланувчининг содир қилган ижтимоий хавfli қилмишига нисбатан ўзининг айблов фикрини берадига давлат айбловчиси манқий изчил ва судланувчига тушунарли тилда ўз нутқини баён қилиши керак. Чунки, айблов нутқи судланувчига унинг содир қилган қонунга зид ҳаракатларини тўла-тўқис англаб олишига, жиноий қилмишининг ижтимоий хавfliлик даражасини ва оқибатини тушуниб олишига кўмаклашиши керак.

Умуман олганда, назарий билимлар ва амалиёт²⁹² суднинг тарбиявий мақсадига эришиш учун давлат айбловчисининг нутқи аниқ, равон, мантиқий давомли, сиёсий холис бўлиши кераклиги талаб этилади.

²⁸⁸ См.: Басков. В.И. Прокурорский надзор. М.: Издательство Бек, 1995. -С 118. <http://lawlibrary.ru/izdanie7294.html>.

²⁸⁹ См.: Пороховщиков. П.С. Речь прокурора в прениях сторон. Журнал: Молодой учёный №39 (381) сентябрь 2021 г. 141-Б. <https://moluch.ru/archive/381/84275/>.

²⁹⁰ См.: Зинатуллин. З.З. Общие проблемы обвинения и защиты по уголовным делам. Ижевск, 1989. – С 39. <http://lawlibrary.ru/izdanie23225.html>

²⁹¹ Қаранг: Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар / ўқув-амалий қўлланма. –Т, 2019. – Б 20.



Худди шу каби, процессда ҳимоя нутқини баён қилувчи адвокат, судланувчи вояга етмаганга унинг ижтимоий хавfli қилмишини содир қилишида катта ёшдаги шахсларнинг айбдорлиги ёки унинг атроф муҳити сабаб бўлганлиги мазмунидаги фикрларни уйғотишидан сақланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳимоя нутқининг самараси ишдаги далилларни тўғри текширилишида иштирок этишда эмас балки уларни баҳолаш натижаларида кўринади.

Ҳимоячининг музокара нутқида билдирган фикрлари билан нафақ суднинг ички ишончига таъсир қилади, балки вояга етмаган судланувчининг содир қилган ижтимоий хавfli қилмишини англаб олишига туртки беради. Чунки, ҳимоячи ўз номи билан ҳимоячи, вояга етмаган судланувчи процесс давомида бошқа иштирокчиларга нисбатан унга кўпроқ ишонади.

Шунинг учун ҳимоя нутқининг мақсади ижтимоий хавfli қилмиш содир қилган вояга етмаганнинг ўз хатти-ҳаракатлари ҳамда манфаатларини қайта баҳолашига туртки беришдан иборат. Ҳимоя нутқи мазмунини, вояга етмаганни қайта жиноят содир қилишини олдини олишга йўналтирилган тарбиявий компонентлардан ташкил топиши керак. Ҳимоячи ўзининг хулосасида жиноят содир қилган вояга етмаган шахсни инсонпарварлик нуқтаи назаридан уни бошқа таъсир чоралари билан тарбиялаш мумкинлигига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ушбу мазмундаги талаблар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 29.11.1985 йилда 40/33-қарори билан қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари”да ҳам акс эттирилган.

Ушбу стандарт қоидаларнинг 14-банди 2-қисмида судлов ҳаракатлари балоғатга етмаган бола манфаатларига мувофиқ бўлиши, вояга етмаганнинг иштирок этиши ва унда ўз нуқтаи назарини эркин баён этиш имконини берадиган тушуниш муҳида амалга оширилиши кераклиги баён қилинган.

Е. В.Брянская, Н.Э.Шишкиналар суд ҳукмининг тарбиявий мазмуни ва унинг самарали таъсири тарафлар музокарасига боғлиқ деб ҳисоблайди²⁹³.

Ҳар бир судья шахсий хусусиялари шаклланиб улгурмаган вояга етмаганларнинг келажаги қўлидагини тушуниши керак. Шунинг учун у иш бўйича исботлаш жараёнини вояга етмаган судланувчининг психологик ҳолатини инобатга олиб, ҳар бир шахсга индивидуал ёндашилган, ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ташкил этиши лозим.

²⁹² См.: Басков. В.И. Прокурорский надзор.М.: Издательство Бек, 1995.-118-Б.
<http://lawlibrary.ru/izdanie7294.html>.

²⁹³Брянская Е. В., Шишкина Н. Э. Воспитательное значение речи защитника в прениях сторон по уголовным делам в отношении несовершеннолетних. Сибирский юридический вестник. № 2(81)-2018. С 90.
<http://vospitatelnoe-znachenie-rechi-zaschitnika-v-preniyah-storon-po-ugolovnym-delam-v-otnoshenii-nesovershennoletnih.pdf>.



Юқоридагиларга кўра, вояга етмаган судланувчининг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги Қарорига қуйидаги мазмунда қўшимча банд киритиш таклиф қилинади:

Судлар вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича тарафлар музокарасининг судланувга у ўз нуқтаи назарини эркин баён этиш имконини берадиган тушуниш муҳитда ўтказилишини таъминлаши лозим .

Суд мажлиси иштирокчиларининг вояга етмаганга тушунарли муҳитда музокара қилиши судланувчи томонидан қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва оқибатларини англаб олишига ҳамда давлат айбловчисининг унга нисбатан қандай турдаги жазо тайинланиши ҳақидаги таклифини тушуниб олишига имкон беради.

Бинобарин, судланувчининг у содир қилган қилмишига нисбатан жамиятнинг қонуний муносабатини тушуниши ва ўз нуқтаи назарини судга эркин баён этиши, вояга етмаганга нисбатан суд жараёнининг максимал тарбиявий таъсирига эришишни кафолатловчи чоралардан бири ҳисобланади.